

«Келишилган»
 «SQB Insurance» суғурта компанияси”
 Акциядорлик жамияти
 Бош директори _____ А.А.Халилов
 « 24 » март 2025 й

«Тасдиқлайман»
 Масъулияти чекланган жамият
 шаклидаги «ТТТ-AUDIT» аудиторлик
 ташкилоти бош директори _____ М.Х Ботиров
 « 24 » март 2025 й



АУДИТНИНГ УМУМИЙ РЕЖАСИ

Текширилаётган ташкилот: “SQB Insurance” суғурта компанияси” АЖ
 Аудит даври: 01.01.2024 йилдан - 31.12.2024 йилгача.
 Киши-соатлар сони - 1 аудитор
 Аудиторлик гуруҳи раҳбари: Бош аудитор Мавлонов Д

№ т/р	Режалаштирилаётган иш турлари	Ўтказиш даври	Бажарувчи	Изоҳлар
I	КИРИШ КИСМ			
1	Аудиторлик ташкилоти ва аудиторлар гуруҳи аъзоларининг корхонага нисбатан мустақиллиги	24.03.2025 – 11.04.2025	Мавлонов Д	
2	Корхона тўғрисида маълумот			
3	Корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий мақоми. Устав жамгармасининг шаклланиши			
4	Корхонада ички назорат тизимини баҳолаш			
5	Мухимлилик даражаси ва аудиторлик рискларни баҳолаш			
II	АСОСИЙ КИСМ (Тахлилий)			
6	Ҳисоб сисъати аудити	24.03.2025 – 11.04.2025	Мавлонов Д	
7	Асосий воситалар ва амортизация хисобланиши аудити			
8	Номоддий активлар аудити			
9	Молиявий инвестициялар аудити			
10	Капитал қўйилмалар аудити			
11	Товар моддий захиралар аудити			
12	Товар-моддий бойликлар аудити (сметлар бўйича)			
13	Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар аудити			
14	Касса хисоботлари аудити			
15	Банк хисоботлари аудити			
16	Қиска ва узок муддатли кредиторлик қарзлар аудити			
17	Жорий кредиторлик қарзлари			
18	Иш ҳақи ҳисоби ва хисобланиши аудити			
19	Суғурта захираларини хисобга олиш аудити			
20	Қайта суғурталовчиларнинг суғурта захираларидаги улуши аудити			
21	Хусусий капитал аудити			
22	Корхона даромадлари аудити			
23	Харажатлари аудити (турлари бўйича)			
24	Таннарх харажатлари аудити			
25	Бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар ҳисоби аудити			
23	Активлар сақланиши аудити			
III	Якуний қисм			
26	Аудит натижаларини корхона раҳбарияти билан муҳокама қилиш	11.04.2025	Мавлонов Д	
27	Аудит ҳисоботини тузиш	11.04.2025	Мавлонов Д	
28	Аудит ҳулосасини тайёрлаш	11.04.2025	Мавлонов Д	

”SQB Insurance “ суғурта компанияси ” АЖ
Бош директори А.А.Халиловга

Сана: 11.04.2025 й

МУСТАҚИЛ АУДИТОР ХИСОБОТИ

”SQB Insurance “ суғурта компанияси ” АЖ нинг 2024 йил 1-январдан 31 декабрь кунига қадар молиявий-хўжалик фаолиятини аудиторлик текшируви юзасидан (БХМС) Рахбариятга хат.

I. Кириш қисм

”SQB Insurance “ суғурта компанияси ” акциядорлик жамиятининг 2024 йил 1 январдан 31 декабргача бўлган даврда бухгалтерия хисоби миллий стандартлари асосида тузилган молиявий-хўжалик фаолиятини, масъулияти чекланган жамият шаклидаги «ТТТ-AUDIT» (JPA International) аудиторлик ташкилоти аудитори Д. Мавлонов томонидан, Аудитнинг халқаро стандартлари АХС № 700 сонли “Молиявий хисоботлар тўғрисида фикр билдириш ва хисобот бериш” стандартларига асосан аудиторлик текширувидан ўтказилди.

Аудиторлик хисоботи—бу жамият раҳбарига, мулкдорларига, иштирокчиларининг умумий йиғилишига тақдим этилувчи ва ўзида аудиторлик текшируви йўли билан бухгалтерия хисобини олиб боришда аниқланган камчиликлар, молиявий хисоботидаги камчиликлар, ҳамда аудиторлик текширувини олиб боришда олинган бошқа маълумотларни акс эттирувчи ва аудиторлик хулосасини тузишда асос бўлувчи ҳужжатдир.

Ушбу Аудитнинг халқаро стандартларини (қуйида АХС) қўллаш доираси:
АУДИТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТИ АХС №-200 «МУСТАҚИЛ АУДИТОРНИНГ УМУМИЙ МАҚСАДЛАРИ ВА АУДИТНИ АУДИТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ»ГА МУВОФИҚ ЎТКАЗИШ

АХС № 200 Молиявий хисоботлар аудитини ўтказилишида, Аудитнинг мақсади эҳтимол тутилаётган фойдаланувчиларнинг молиявий хисоботларга бўлган ишончи даражасини оширишдан иборат. Бу мақсадга молиявий хисоботлар барча муҳим жихатларда молиявий хисоботларни тақдим этиш учун қўлланиладиган асосига мувофиқ тайёрлангани хусусида аудитор фикри (хулосаси)ни билдириш йўли билан эришилади. Умумий мақсадли асоснинг аксарияти билан боғлиқ ҳолларда бундай фикр молиявий хисоботлар барча муҳим жихатларида ҳаққоний тақдим этилгани ёки этилмагани ёнгики улар тақдим этиш асосига мувофиқ тўғри ва ҳаққоний тасаввур бериши ёки бермаслиги хусусида билдирилади. АХС ва тегишли ахлоқий талабларга мувофиқ ўтказиладиган аудит аудиторга бундай фикрни таърифлаш имконини беради.

АХС № 210 Аудитнинг Халқаро Стандарти “Аудит келишуви шартларини келишиши” АХС 200 “Мустақил аудиторнинг умумий мақсадлари ва аудитни Аудитнинг Халқаро стандартларига мувофиқ ўтказиш” контекстида Ушбу Аудитнинг Халқаро стандарт» (АХС)да аудиторнинг аудит келишуви шартларини тадбиркорлик субъекти раҳбарияти билан ва зарур ҳолда, бошқарув юклатилган шахслар билан келишиш пайтидаги мажбуриятлари кўриб чиқилади. Бу мажбуриятлар аудит ўтказишда жавобгарликтадбиркорлик субъекти раҳбарияти ва зарур ҳолда, бошқарув юклатилган шахслар бўйнида бўлган дастлабки шартлари бажарилганини аниқлашни ўз ичига олади. АХС 220 да келишувни қабул қилишнинг аудитор назорат қилиши мумкин бўлган жихатлари кўриб чиқилади.

АХС 700, АХС 705¹ ва АХС 706² да аудитор томонидан билдирилган модификацияланган фикр ёки аудитор томонидан аудиторлик ҳисоботи (хулосаси)га киритилган тушунтириш параграфи ёки бошқа масала параграфининг аудиторлик ҳисоботи (хулосаси)га таъсири кўриб чиқилади.

Ушбу АХС аудиторлик ҳисоботи (хулосаси)да изчилликка риоя қилишни амр этади. АХСга мувофиқ аудит ўтказишда аудиторлик ҳисоботи (хулосаси)даги изчиллик жаҳон бозорида унга нисбатан ишончли таъминлайди, дунё миқёсида эътироф этилган стандартларга мувофиқ ўтказилган аудиторлик текширувини осонгина аниқлаш учун имконият яратади. Шунингдек бу ғайриоддий вазиятлар юзага келганда фойдаланувчи уларни тушуниши ва аниқлашини осонлаштиришга ҳам ёрдам беради.

1.1. Аудиторлик ташкилоти тўғрисида маълумот

Аудиторлик ташкилотининг номи:	МЧЖ АТ «ТТТ-AUDIT» (матнда – “Аудиторлик ташкилоти”)
Ҳуқуқий манзили:	Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Янгиобод кўчаси, 5-чи уй
Телефон:	(91) 651 80 13; (95) 400 80 13
Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида маълумот:	Адлия-вазирлигида 1997 йилнинг 12 майида давлат рўйхатидан ўтган. Рўйхат рақами №335
Аудиторлик ташкилоти Лицензияси:	Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Лицензияси АФ № 00773 05.04.2019 йилда берилган.
Профессионал масъулиятни суғурта полиси:	№ 0017494-сон суғурта полиси "TRUST-INSURANCE" АЖ шаклидаги суғурта компаниясидан берилган. 2024 йилнинг 04 ноябрда 12-01/13/2400089-сонли шартнома бўйича рўйхатга олинган.35.0 млрд сўм
Банк ҳисоб рақами:	2020 8000 2009 2188 6001
Банк номи:	«Trust bank» ХАБнинг Фарғона шаҳар филиали. Банк коди 00491
СТИР:	202 216 926
ҚҚС тўловчисининг регистрация коди:	330050137061
Бош директор, бош аудитор	Ботиров Махаммад Ҳошимович, аудиторнинг малака сертификати 05052-сон, 2012 йилнинг 25 августида Молия Вазирлиги томонидан берилган
Аудитор	Мавлонов Дилшодбек, аудиторнинг малака сертификати 06204-сон, 2023 йилнинг 28 май кунида берилган.
Аудит учун асос:	2024 йилнинг 03 июндаги 526-сон шартнома
Текширув даври:	01.01.2024 й. - 31.12.2024 й.

1.2. Буюртмачи тўғрисида маълумот

Тўла номи:	””SQB Insurance “ суғурта компанияси ” АЖ
Ҳуқуқий манзили:	Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шох кучаси,5-уй;
Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида маълумот:	Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани давлат хизматлари марказининг 2018 йил “29” ноябрдаги 653371-сон билан рўйхатдан ўтказилган.
Устав капитали:	63 702 450 000 сўм
Банк ҳисоб рақами:	2021 6000 1009 5933 9001 “Узсаноатқурилиш банк” , АТБ бош офиси, банк коди: 00440
СТИР:	305 880 294
ҚҚС тўловчисининг регистрация коди:	326 020 106 143
Давлат статистика органидан олинган статистика кодлари:	””SQB Insurance “ суғурта компанияси ” АЖ КТУТ 28160745, Окэд 65120, МХБТ 1726269
Аудиторлик текширувининг тури:	Мажбурий аудиторлик текшируви (“Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 35-моддаси).

2. Буюртмачининг ҳуқуқий мақоми ва устав капиталини шаклланиши

Текширилаётган даврда ””SQB Insurance“ суғурта компанияси ” акциядорлик жамиятининг амал қилган Устави ””SQB Insurance “ суғурта компанияси ” АЖ Ягона акциядорининг 2023 йил 05 июндаги қарори билан тасдиқланган. Жамиятнинг устав фонди акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади. Устав фонди микдори 53 085 375 дона оддий акцияларга тақсимланган 53 085 375 000 (Эллик уч миллиард саксон беш миллион уч юз етмиш минг) сўмни ташкил этади. Хар бир акциянинг номинал қиймати 1000 (минг) сўмни ташкил этади.

Жамиятнинг янги тахрирдаги Устави ””SQB Insurance “ суғурта компанияси ” АЖ Ягона акциядорининг 2024 йил 09 августдаги АЖ-03/2024 қарори билан тасдиқланган. Жамиятнинг устав фонди акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади. Устав фонди микдори 63 702 450 дона оддий акцияларга тақсимланган 63 702 450 000 (Олтмиш уч миллиард етти юз икки миллион тўрт юз эллик минг) сўмни ташкил этади. Хар бир акциянинг номинал қиймати 1000 (минг) сўмни ташкил этади. Жамиятнинг Устав фондиди 100 фоизи Ягона иштирокчи “Узсаноатқурилишбанк” Акциядорлик тижорат банкига тегишли.

Жамият уставининг 1.3. моддасига кўра Жамият ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси Фуқоралик кодексига, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги, “Суғурта фаолияти тўғрисида” ги қонунлари ва меърий - ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда мазкур уставга мувофиқ амалга оширади.

Жамият Уставининг 2.1. моддасига кўра Жамият юридик шахс бўлиб, ўз мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав фондига (устав капиталига) берилган мол мулкка эга бўлади, ўз номидан мулккий ва шахсий номулккий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда давогар ва жавобгар булиши мумкин.

Жамият уставининг 2.2. Моддасига асосан Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан этиборан юридик шахс мақомига эга бўлади. Жамият фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади.

Жамият Уставининг 3.1. моддасига асосан Жамият қонунчиликда белгиланган тартибда филиаллар ташкил этишга ва ваколатхоналар, шўба корхоналар очишга ҳақли. Филиал

жамиятнинг жамият жойлашган ердан ташқарида жойлашган ҳамда унинг барча вазифаларини ёки уларнинг бир қисмини, шу жумладан ваколатхонанинг вазифаларини амалга оширадиган алоҳида бўлинмасидир.

Жамият Уставининг 4.1. моддасига асосан Жамият тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади, суғурта бозорининг прессионал иштирокчиси сифатида жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан бошқа ташкилотлар, давлат органлари ва муссасалари ҳамда хўжалик юритувчи субъектларни (Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари) молиявий, тадбиркорлик, хўжалик ва бошқа таваккалчиликларни суғурталаш (қайта суғурталаш) йўли билан химоялаш ҳамда молиявий-хўжалик фаолиятидан фойда олишдир.

Жамиятнинг асосий фаолиятидан ташқари Ўзбекистон Республикасидаги амалдаги қонунчиликда тақиқланмаган бошқа фаолият турларини ҳам амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Жамият суғурталовчи сифатида суғурта соҳасида ваколатли давлат органи томонидан берилган лицензия асосида фаолиятини амалга оширади.

Жамиятга Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги ҳузуридаги суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги томонидан 2022 йил 04 февралдаги 3-SF буйруғига асосан SF-серияли 00027-сонли лицензияга асосан қуйидаги класслар:

- 1-класс “Бахтсиз ходисалардан эҳтиёт шарт суғурта қилиш”;
- 2-класс “Қасалликдан эҳтиёт шарт суғурта қилиш”;
- 3-класс “Ер усти транспорт воситаларини суғурта қилиш”;
- 4-класс “Харакатланадиган темир йўл таркибини суғурта қилиш”;
- 5-класс “Авиация суғуртаси”;
- 6-класс “Денгиз суғуртаси”;
- 7-класс “Йўлдаги мол-мол мулкни суғурта қилиш”;
- 8-класс “Мол-мулкни оловдан ва табиий офатлардан химоя қилиш”;
- 9-класс “Мол-мулкни зарардан химоя қилиш”;
- 10-класс “Автофуқоролик жавобгарлигини суғурта қилиш”;
- 11-класс “Авиация суғуртаси доирасидаги жавобгарликни суғурта қилиш”;
- 12-класс “Денгиз суғуртаси доирасидаги жавобгарликни суғурта қилиш”;
- 13-класс “Умумий фуқоролик жавобгарлигини суғурта қилиш”;
- 14-класс “Кредитларни суғурта қилиш”;
- 15-класс “Кафилликни (кафолатларни) суғурта қилиш”;
- 16-класс “Бошқа молиявий таваккалчиликлардан суғурта қилиш”;
- 17-класс “Ҳуқуқий химоя қилиш билан боғлиқ харажатларни суғурта қилиш”.

бўйича ихтиёрий ва мажбурий суғуртани амалга оширишга руҳсат берилган.

3. Аудитнинг вазифалари ва услублари.

Жамият томонидан тақдим этилган маълумотларга асосланиб, биз аудиторлик текширувини Аудитнинг халқаро стандартларига (АХС) мувофиқ ўтказдик.

Жамият фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини тушуниш ва мавжуд бошқарув ва бухгалтерия процедураларини ҳисобга олган ҳолда аудит дастури ишлаб чиқилди.

Аудиторлик текшируви давомида Жамиятнинг қуйидаги ахборот манбаларидан фойдаланилди:

Бухгалтерия баланси,

молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи;

давлат бюджетига ажратмалар ва тўловлар бўйича ҳисоботлар ва ҳисоб-китоблар;

“1-С 8.3” бухгалтерия дастури маълумотлари: 2024 йилнинг 1 январидан 31 декабригача бўлган давр учун айланма ведомостлар, журнал ордерлари, банк кўчирмалари, бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари, буйруқлар;

ҳисоб сўёсати, йиғилишлар баённомаси, қарорлар ва бошқа ҳужжатлар;

бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари;

бошқа ахборот манбалари.

Томонлар жавобгарлиги. Жамият раҳбарияти молиявий ҳисоботларни тайёрлаш бўйича тақдим этилган маълумотлар (бирламчи ҳужжатларнинг) ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун

жавобгардир. Аудитор тақдим этилган молиявий ҳисоботларни текширди ва шунга мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботлар тўғрисида ўз фикрини билдирди. Аудитдан кейин тақдим этилган ёки бирон сабабга кўра тақдим этилмаган ҳужжатлар аудиторнинг назорат доирасидан ташқарида қолди ва бу ҳужжатлар бўйича жавобгар эмас.

Аудиторлик текширувини амалга ошириш учун аудитор Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини (БХМС) ва хизматлар кўрсатиш вақтида қўлланиладиган барча стандартларни, шунингдек кўриб чиқиладиган даврга тегишли Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий соҳадаги ҳаракатларини тартибга солувчи қонунчилик ва норматив ҳужжатларини қўллади.

Олинган ҳулосалар ва натижалар бухгалтерия регистрларини таҳлил қилиш асосида бирламчи ҳужжатлар ва ҳисобланган маълумотларни танлаб текширишга асосланган бўлиб, ахборот ва маслаҳат хусусиятига эга.

Текширувлар, тест сўровлари ва тасдиқлашлар, алоҳида бир ҳужжатлар, бухгалтерия регистрлари ва таҳлилий ҳисоботларни таҳлил қилиш ва ўзаро таққослаш орқали биз молиявий ҳисобот бўйича фикрни шакллантириш учун зарур асос яратиш учун етарли далилларга эга бўлдик.

Аудиторнинг вазифаларига Ўзбекистон Республикасининг "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонуни ва Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини амалга ошириб ушбу ҳисоботларнинг ишончилиги тўғрисида ҳулоса бериш қиради.

4. Аудиторлик текширув ўтказишнинг услубияти

Жамиятнинг 2024 йил учун молиявий ҳисоботларини аудит текшируви бўйича аудиторлик ҳисоботи Жамиятнинг эгаси учун мўлжалланган бўлиб, аудиторлик ҳулосасини тузиш учун асос бўлган аудит текшируви натижасида олинган маълумотларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикасининг "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг 35-моддасига мувофиқ (ЎРҚ-677 05.02.2021 й.) Жамиятда ўтказиладиган аудиторлик текшируви мажбурий ҳисобланади.

Аудитнинг мақсади 2024 йилнинг 1 январидан 31 декабригача бўлган давр учун тайёрланган молиявий ва бошқа тегишли ҳисоботлар Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ тайёрланганлиги тўғрисида ўз фикримизни билдиришдир.

Тақдим этилган молиявий ва бошқа тегишли ҳисоботлар бўйича аудиторнинг фикри аудит натижалари бўйича №-700 сонли АХСга мувофиқ ёзма аудиторлик ҳисоботи шаклида тузилади. Аудитор фақат жамият раҳбарияти томонидан тақдим этилган молиявий ва бошқа ҳисоботлар бўйича ўз фикрини билдириш учун жавобгардир. Жамиятнинг раҳбарияти тақдим этилган ҳисоботлар ва уларнинг мазмуни учун жавобгардир.

Аудиторлик ҳисоботи хўжалик юритувчи субъект ва аудиторлик ҳисоботидан манфаатдор фойдаланувчилар томонидан кафолат сифатида талқин этилиши мумкин эмас ва қабул қилинмаслиги керак.

Жамият бухгалтерия ҳисоботларига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир қилиши мумкин бўлган бошқа ҳолатлар мавжуд эмаслигини таъкидлайди.

Текшириладиган ҳужжатларнинг ҳажми катта бўлгани сабабли аудит давомида бухгалтерия ҳужжатларининг баъзи бир бўлимларида танлов усуллари қўлланилди. Ҳулосаларни асослаш учун аудит бухгалтерия маълумотларининг ишончилиги ва етарлилигини, ички назорат ҳолатини текшириш учун бир қатор тест ва процедуралардан фойдаланган. Муайян масалалар бўйича аудиторнинг фикри намунавий маълумотларга асосланади. Аудит ходимлар билан суҳбатлашиш, танлаб олиш ва энг муҳим нарсалар учун доимий ҳужжатли текшириш, раҳбарият томонидан тақдим этилган маълумотларни таҳлил қилиш усуллари билан амалга оширилди.

Жамиятда ўтказилган аудиторлик текширувларининг натижасида, Жамият бухгалтерия ҳисоботларининг ишончилиги тўғрисида мустақил фикр ҳосил қилиш учун етарли маълумотлар олинди.

Мазкур ҳисоботда келтирилган маълумотлар махфий ҳисобланади ва аудиторлик ташкилоти томонидан ошкор этилмайди.

II. ТАҲЛИЛИЙ ҚИСМ.

1. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА ИЧКИ НАЗОРАТНИНГ ҲОЛАТИНИ АУДИТИ

Бухгалтерия ҳисоботлари аудитини режалаштириш ва ўтказишда жамиятнинг ички назорат тизими ҳолатини кўриб чиқдик.

Назорат тизимининг ташкил этилиши ва ҳолати учун жавобгарлик жамият раҳбарияти зиммасига юклатилган.

Биз ички назорат тизими ҳолатини фақат бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ишончлилиги тўғрисида аудиторлик хулосасини шакллантириш учун зарур бўлган аудиторлик хатарларини ва иш ҳажмини аниқлаш учун кўриб чиқдик. Аудит жараёнида амалга оширилган ишлар барча мумкин бўлган камчиликларни аниқлаш учун ички назорат тизимини тўлиқ ва ҳар томонлама текширишни аниқлатмайди.

Ички назорат тизимининг аудити "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонунда "Ташкилот ва унинг муҳитини ўрганиш орқали муҳим нотўғри ишлаш хавфини аниқлаш ва баҳолаш" номли 315-сон АХС, "Ҳисобварақлар жадвали хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини ҳисобга олиш ва уни қўллаш бўйича кўрсатмалар" номли 21-сон БҲМС, "Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжат айланиши тўғрисида Низом" ва бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган амалдаги меъёрлар талабларга мувофиқлиги бўйича ўтказилди.

Ички назорат тизимининг самарадорлиги унинг асосий мақсадларига эришиш нуктаи назаридан баҳоланди, бу маълумотларнинг мақбул даражада тўлиқлиги ва аниқлигини таъминлаш, активларни сақлаш ва маблағлардан мақсадли фойдаланиш ҳисобланади.

Ички назорат тизимининг самарадорлигини баҳолаш учун аудитор назорат муҳитини таҳлил қилди ва баҳолади:

- * бошқарув услуги ва асосий тамойиллари;
- * "SQB Insurance" суғурта компанияси " АЖ нинг ташкилий тузилмаси;
- * масъулият ва ваколатларни тақсимлаш;
- * амалга оширилаётган кадрлар сиёсати;
- * ички бошқарув ҳисобини амалга ошириш тартиби, ички ҳисоботнинг таркиби ва мазмуни, ички ҳисоботни тайёрлаш асослари;
- * ички норматив ҳужжатлар, унинг Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқлиги, "SQB Insurance" суғурта компанияси " АЖ нинг ички нормалари ва қоидаларига риоя этилиши;
- * нарх сиёсати.

Ички назорат тизимининг етарлилиги ва самарадорлигини баҳолаш мақсадида аудитор шунингдек "SQB Insurance" суғурта компанияси " АЖ нинг бухгалтерия тизимини, ташқи фойдаланувчилар учун ҳисоботларни тайёрлаш учун асос сифатида, таҳлил қилди.

Аудитор раҳбариятнинг иқтисодий хатарларни, шу жумладан активлар хавфсизлиги ва тўловсиз хавфларни минималлаштиришга қаратилган ҳаракатларини таҳлил қилиш ва баҳолашни ўтказди.

Ички назорат тизимининг самарадорлигини аниқлашда қуйидаги омиллар ҳисобга олинди:

- * ахборотни шакллантиришда иштирок этувчи ходимлар доираси ва улар ўртасида иш юритиш ва ахборотни шакллантириш бўйича тартибли муносабатларнинг мавжудлиги;
- * ресурсларни тасарруф этиш тўғрисида қарор қабул қиладиган турли даражадаги менежерларнинг жавобгарлиги чегараси мавжуд;
- * ҳужжатлар айланишини тартибга солувчи ички маъмурий ҳужжатларнинг мавжудлиги;
- * техник назоратларнинг мавжудлиги,
- * компютер операциялари устидан назорат самарадорлиги.

Жамиятда амал қиладиган ички назорат тизими, асосан юқорида санаб ўтилган барча асосий бошқарув объектларини таъминлайди.

Жамият бошқарувининг бошқарув органлари:

Акциядорларнинг умумий йиғилиши (Ягона акциядор);

Кузатув кенгаши;

Бошқарув - (бош директор).

Жамият раҳбарияти:

Бош директор вазифасида А.А.Халилов 2019 йил 24 июндан ҳозирги даврда фаолият кўрсатяпти.

Асос: ""SQB Insurance " суғурта компанияси " АЖнинг 2019 йил 24 июндаги навбатдан ташқари Умумий йиғилиш қарорига мувофиқ лавозимга тайинланган.

Бош бухгалтер: бош бухгалтер лавозимида Есенкулова Камила Қуттибоевна 2019 йил 01 июндан ҳозирги даврда ишлаб келмоқда.

Асос: К.Қ.Есенкулова билан тузилган 2019 йил 01 июн кундаги № 34-сонли меҳнат шартномаси.

Бухгалтерия хизмати. Бухгалтерия ҳисоби учун асосий жавобгарлик бош бухгалтерга юкланган. Бухгалтерия бўлимининг иши компьютерлар ва "1С" бухгалтерия 8.3 ихтисослаштирилган бухгалтерия дастури ёрдамида ташкил этилган.

Ҳисоб сиёсати.

Жамиятнинг 2024 йил учун Жамият бош директори А. А.Халилов тасдиқлаган 2023 йил 29 декабрь кундаги 222-п сонли солиқ сиёсатини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори билан Жамиятнинг 2024 йил учун учун ҳисоб сиёсати ишлаб чиқилган.

1-сон БҲМС ва "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддасида белгиланган бухгалтерия принципларига мувофиқлигини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ҳисоблаш, икки томонлама ҳисоб усули, узлуксизлик, пулни баҳолаш, ишонччилик, эҳтиёткорлик, мазмуннинг шаклдан устунлиги, таққослаш, бетарафлик, активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳоси, ҳисобот даври даромадлари ва харажатларига мувофиқлиги, тушунарлилиги, аҳамияти, муҳимлиги, ҳақиқат ва ҳолис тақдим этилиши, тўлиқлиги, изчиллиги, ўз вақтида бажарилиши, оффсеттинг (ўзаро ҳисобга олиш) ва объективлик Ҳисоб сиёсатида ақс этади ва Жамиятнинг бухгалтерияси томонидан назорат қилинади.

Жамият томонидан ишлаб чиқилган ҳисоб сиёсатига асосан жамиятнинг бухгалтерия ҳисоби барча хужалик фаолиятини яхлит,узлуксиз,хужжатлар асосида ҳисобга олиш йули билан бухгалтерия бухгалтерия ахборотини йиғиш, кайд этиш ва умумлаштиришнинг тартибга солинган тизимидан, шунингдек унинг асосида молиявий ва бошқа ҳисоботларни тузишдан иборат. ""SQB Insurance " суғурта компанияси " АЖ бухгалтерия ҳисоби Халқаро молиявий ҳисоботлар ва методология бошқармаси томонидан бошқарма бошлиғи – бош бухгалтер раҳбарлигида олиб борилади.

Бухгалтери ҳисоби учун 1С бухгалтерия дастури 8.3 версиясидан фойдаланилади. Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш бухгалтерия ҳисобининг ишчи режасига мувофиқ электрон ҳисоб регистрлари тизими орқали амалга оширилади.Шунингдек,электрон хужжат айланиши ""SQB Insurance " суғурта компанияси " АЖ нинг "Электрон хужжат айланмаси" ички платформасида амалга оширилади.

Бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг асосий тамойилларининг қисқача тавсифи.

Бухгалтерия йилнинг ҳар ойида давлат солиқ хизматига бюджетга солиқлар ва ажратмалар бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этади ҳар чорак якунлари бўйича ҳисоботлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар билан молиявий ҳисоботларни ишлаб чиқади.

Ташқи фойдаланувчилар учун молиявий ҳисоботларни тайёрлаш бухгалтерия томонидан амалга оширилади. Ташқи фойдаланувчилар учун ҳисоботларни тайёрлаш бўйича бухгалтерия ҳисоби автоматлаштирилган. Жамиятнинг молиявий ҳисоботи тижорат фаолияти бўйича баланс ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот шаклида тузилади. Молиявий ҳисоботларни тайёрлаш мақсадида Жамият таркибий бўлинмалари ҳар ойда зарур маълумотларни тақдим этади, бошқа бўлимлар ҳам бирламчи хужжатлар, материаллар ва бошқа ички ҳисоботларни тақдим этади. Захиралар, узоқ муддатли активлар, меҳнат ва иш ҳақи ҳисоб-китобларини, шу жумладан иш ҳақи билан боғлиқ бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар, тўловлар ҳисоб-китобларини ҳисобга олиш Жамият бухгалтерияси томонидан амалга оширилади. Активларнинг ички ҳаракатини ҳисобга олиш бирламчи хужжатлар асосида амалга оширилади. Жамият бухгалтерияси товарлар ва материалларни балансдан чиқариш, харажатларни ҳисобга

олиш, даромадларни ҳисобга олиш ва бошқа операцион даромадлар бўйича даромадлар ва харажатлар ҳисобини мустақил равишда юритади. Устав фаолиятидан олинган даромадларни ҳисобга олиш, маблағларни, молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш, ходимлар учун тўловлар билан боғлиқ бўлмаган солиқлар ва мажбурий тўловларни ҳисоблаш, йўл харажатлари учун берилган бўнақлар бўйича ҳисоб - китоблар, дебитор-кредиторлар билан ҳисоб-китоблар (шу жумладан етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоблар) ҳам Жамият бухгалтерияси томонидан амалга оширилади.

Жамиятнинг бухгалтерия ҳисоби Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ амалга оширилади.

Меҳнат қонунчилиги ва ходимлар билан ҳисоб-китобларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларига риоя этилиши аудити.

Ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоб-китобларни тартибга солувчи Жамиятнинг ички норматив ҳужжатларига қуйидагилар қиради: жамоа шартномаси ва бошқа ҳужжатлар.

Ходимлар ҳисобини юритиш тартибининг аудити Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига (Ўзбекистон Республикасининг 22.10.2022 йилдаги Қонуни билан тасдиқланган), "Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида"ги Йўриқномага (Адлия вазирлиги томонидан 29.01.1998 й. 402-сон билан рўйхатга олинган) мувофиқ амалга оширилди.

Жамият раҳбарияти ва бошқа ходимлар билан меҳнат шартномалари тузилган, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ички меъёрий ҳужжатлар яратилган.

Ихтисослаштирилган бухгалтерия дастурини текшириш "Ташкилот ва унинг муҳитини ўрганиш орқали муҳим хатоликларни аниқлаш ва баҳолаш" номли 315-сон АХСга мувофиқ ўтказилди. Жамият "1С"8.3 бухгалтерия ихтисослаштирилган бухгалтерия дастурида молиявий-иқтисодий операциялар ва иш ҳақи ҳисобини юритади. Дастур лицензияланган.

Бухгалтерия "1С"8.3 дастуридан бош бухгалтер ҳамда барча бухгалтерлар фойдаланади. Жамият ходимларининг тизимга кириши пароль билан чекланган.

2. МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ДАСТЛАБКИ ТАҲЛИЛИ

Жамият ҳисобот йили яқунлари бўйича баланс ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни тузади ва солиқ органларига тақдим этади.

""SQB Insurance " суғурта компанияси " АЖ қуйидаги молиявий ҳисоботлари аудиторга фикр билдириш учун тақдим этди:

2024 йилнинг 31 декабрь ҳолатига бўлган Бухгалтерия баланси;

2024 йилнинг 31 декабрь ҳолатига молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот;

2024 йил 31 декабрь ҳолатига Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот;

2024 йил 31 декабрь куни ҳолатига Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот;

бюджетга солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаш ва бюджетдан ташқари мақсадли фондларга ажратмалар.

Молиявий ва солиқ ҳисоботларини тайёрлашнинг тўғрилигини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики:

Молиявий ҳисобот Молия вазирининг 27.12.2002 й. 140-сон "Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида" ги Буйруғи (АВ томонидан 24.01.2003 й. 1209-сон билан рўйхатга олинган) ва Молиявий ҳисобот шаклларини тўлдириш қоидалари (Молия вазирининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сон буйруғининг 7-иловаси), 1-; 3-; 14-; 15-Б/МС ва бошқа норматив ҳужжатлар асосида тайёрланган.

Солиқ ҳисоботи шакллари Давлат солиқ қўмитасининг 28.01.2020 й. 2020-03-сон " Солиқ ҳисоботининг шаклларини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарори (АВ томонидан 24.02.2020 й. 3221-сон билан рўйхатга олинган) ҳамда Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2009 йил 19 мартдаги 37-сонли буйруғига 7-иловасига мувофиқ келади.

3. АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИНГ ВА ҲИСОБЛАНГАН АМОРТИЗАЦИЯНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ АУДИТИ

Асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш ҳолати ва асосий воситалар таркибидаги ўзгаришлар “Асосий воситалар” номли 5-сон БҲМС, Солиқ кодекси, “Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисидаги Низом” (АВда 2015 йил 21 июлда 1401-сон билан рўйхатга олинган)га ва бошқа норматив ҳужжатларга мувофиқ текширилди.

асосий воситалар - корхона томонидан узоқ муддат давомида хўжалик фаолиятини юритишда маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ёхуд маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш мақсадида фойдаланиш учун тутиб туриладиган моддий активлар;

амортизация- фойдали хизмат муддати мобайнида активнинг амортизацияланадиган қийматини асосий воситаларнинг вазифасидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига ёки давр харажатларига мунтазам тақсимлаш ва ўтказиш кўринишида эскиришнинг қиймат ифодаси;

Асосий воситалар ва амортизацияни ҳисобга олиш аудити 5-сонли БҲМС “Асосий воситалар”, Солиқ кодекси, “Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисида Низом” ва “SQB Insurance” суғурта компанияси ” АЖ нинг 2024 йил учун тузилган Ҳисоб сиёсати ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилди.

Асосий воситалар таркибини баланс ҳисобварақлари бўйича

Жамиятда қабул қилинган Ҳисоб сиёсатига асосан: Асосий воситаларга қуйидаги мезонларга жавоб берадиган моддий қийматликлар киради:

- Бир йилдан ортиқ хизмат муддатига эга;
- Бир бирлик (туплам) учун қиймати (харид пайтида) Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий хиоблаш миқдорининг эллик бараваридан ортиқ бўлган моддий қийматликлар белгиланган;
- Корхона раҳбари ҳисобот йили давомида асосий воситалар таркибидаги предметларнинг энг кам қийматини белгилаш ҳуқуқига эга. Шунга кура корхона Раҳбарият томонидан энг кам қиймат 3 000 000 сўм қилиб белгиланган.

Асосий воситалар актив сифатида тан олинади агар:

- Корхонада келгусида актив билан боғлиқ иктисодий наф келиб тушишига ишонч бўлса;
- Актив қийматини аниқ баҳолаш имкони бўлса.

Асосий воситалар таркибини баланс ҳисобварақлари бўйича ҳаракати

Счёт	Номи	01.01.2024 (минг сўм)	Дт	Кт	31.12.2024 (минг сўм)
0140	Мебель ва офис анжомлари	67 387.0			67 387.0
0150	Компьютеръ техникаси	906 246.0	133 668,4	136 690,7	903 223.7
0160	Транспорт воситалари	3 337 195.1	2 919 170,6	1 174 008,6	5 082 357.1
0190	Бошқа АВ	78 887.2	114 660.0	61 299,0	132 248.2
	Жами 1С дастури	4 389 715.3	3 167 499,0	1 371 998,3	6 185 216.0
	Жами бухгалтерия баланси сатр 010 сатр	4 389 715.3			6 185 216.0
	Жами фарк	0.0			0.0

Жорий 2024 йил давомида жамиятда

Натижа: Бухгалтерия баланси билан 1С 8,3 дастури бош китоби ўртасида фарқлар мавжуд эмас.

Жамият ҳисоб сиёсатида асосий воситаларнинг амортизация ажратмаларини ҳисоблаб чиқариш Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 306 моддасида белгиланган амортизация ставкаларида бир маромли (тўғри чизикли) усулда амалга оширилиши белгиланган.

Баланс ҳисобварақлари кесимида асосий воситаларга ҳисобланган амортизация
(минг сўм)

Счёт	Номи	01.01.2024	Дт	Кт	31.12.2024
0240	Мебель ва офис анжомлари	21 663.3		10 131,3	31 749.6
0250	Компьютеръ техникаси	643 215.0	46 967.7	192 122.9	788 370,2
0260	Транспорт воситалари	1 835 098.5	988 048.9	1 324 034,6	2 171 084.2
0290	Бошқалар	29 228.4	1 827.1	15 243.3	42 644.6
	Жами 1С дастури	2 529 205.3	1 036 843.7	1 541 532.1	3 033 893.7
	Жами бухгалтерия баланси сатр 010 сатр	2 529 205.3			3 033 893.7
	Жами фарк	0,0			0,0

Амортизацияни ҳисоблаш. Жамият асосий воситаларга амортизация ҳисоблашда тўғри чизикли усулдан фойдаланган. Асосий воситаларга ҳисобланадиган амортизация коэффициентлари Солиқ кодексининг 306-моддасида асосий воситалар учун келтирилган амортизация коэффициентларидан фойдаланган.

4. УЗОҚ МУДДАТЛИ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР

Жамиятнинг 0600- бошқа узоқ муддатли инвестициялар ҳисобида 01.01.2024 йил ҳолатига 75 603 530.9 минг сўм қолдиқ бўлган. Жорий ҳисобот даврида 75 800 000.0 минг сўм кирим қилиниб, 89 700 000.0 минг сўм чиким қилинган. 31.12.2024 й кунига 61 753 530.9 минг сўм қолдиқ қолган.

МИНГ.СУМ

Т/№	Инвестиция тури	01.01.24й.га қолдик	Кирим	чиким	31.12.24 й.га қолдик
0611	Қимматли қоғозлар(депозит ва облигация)	2 503 530.9			2 503 530.9
0690	Бошқа узоқ муддатли инвестициялар (берилган қарзлар)	73 100 000.0	75 850 000.0	89 700 000.0	59 250 000.0
	1.С дастури бўйича жами:	75 603 530,9	75 850 000.0	89 700 000.0	61 753 530.9
	Балансинг 030 қатори бўйича	75 603 530,9			61 753 530.9
	Фарқи	0			0

Натижа: Бухгалтерия баланси билан 1С 8,3 дастури бош китоби ўртасида фарқлар мавжуд эмас.

5. КАПИТАЛ ҚЎЙИЛМАЛАРНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ АУДИТИ

Капитал қўйилмаларнинг бухгалтерия ҳисобини текшириш 5-сонли БҲМС "Асосий воситалар", 17-сонли БҲМС "Пудрат ва капитал қурилиш шартномалари", Солиқ кодекси, "1 январ ҳолатига асосий воситаларни йиллик қайта баҳолаш тартиби тўғрисида Низом" ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилди.

Ҳисобот йили давомида ушбу ҳисобварақлар гуруҳи бўйича айланмалар активларни сотиб олиш ва уларни асосий воситалар гуруҳига ўтказиш билан боғлиқ эди. Корхона томонидан сотиб олинган асосий воситаларнинг миқдорий таркиби ва номи ушбу ҳисоботнинг "Асосий воситалар" бўлимида ёритилди.

Жамият бухгалтерия баланснинг 100 катори (капитал қўйилмалар) да 2024 йил 31 декабрь ҳолатига капитал қўйилмалар қолдиқ сўммалар мавжуд эмас. Бухгалтерия бош китоби айланмасида 0800 "Капитал қўйилмалар" ҳисобварағида Жорий ҳисобот даврида 2 341 813.2 минг сўмлик транспорт, компютер ва бошқа асосий воситалар кирим қилиниб, 2 279 995.6 минг сўмлик транспорт воситалари 0160 ҳисобга, 4 487.6 минг сўмлик компютер жихозлари 0150 ҳисобга, 57 330.0 минг сўмлик бошқа асосий воситалари 0190 ҳисобга олиб борилган. 2024 йил 31 декабрь кунига қолдиқ қолмаган.

Натижа: Бухгалтерия баланси билан 1С 8,3 дастури бош китоби ўртасида фарқлар мавжуд эмас.

6. ТОВАР-МОДДИЙ ЗАҲИРАЛАРНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ АУДИТИ

Товар-моддий заҳираларнинг айланмасини аудиторлик текшируви "Товар-моддий заҳиралар" номли 4-сон БҲМС ва бошқа норматив ҳужжатларга мувофиқ ўтказилди.

Жамиятнинг молиявий ҳисоботида ТМЗлар бухгалтерия баланснинг "Ишлаб чиқариш заҳиралари" номли 150- ва "Тугалланмаган ишлаб чиқариш" номли 160- сатрларида қайд этилган.

Жамиятда қабул қилинган Ҳисоб сиёсатида асосан: Инвентарь ва хўжалик жихозларига қуйидаги мезонларга жавоб берадиган моддий қийматликлар киради:

- Бир йилдан кам хизмат муддатига эга;
